

**ТАЛАБАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВНИНГ ЗАРУРИЯТИ.**

10.53885/edinres.2022.23.46.042

BuxDu "Jismoniy madaniyat fakulteti"

Fakultetlararo jismoniy tarbiya va sport

kafedira o'qtuvchisi Ibodov Azizbek Inoyat o'g'li

Болтаев Суннат Баҳтиёр ўғли

жисмоний маданият факультети

2 босқич талабаси

Аннотация В статье анализируется современное состояние развития коммуникативной компетентности будущих учителей физической культуры, проблемы, недостатки в этой связи, пути их преодоления. Также были исследованы индивидуальные, групповые и коллективные, социальные формы общения, их специфические особенности в профессиональной педагогической культуре будущих учителей физической культуры. Ключевые слова: система образования, содержание образования, педагогика, физическое воспитание, физическое совершенство, физическая культура, студенты, профессионально-педагогическая культура, коммуникативная компетентность, культура речи.

Талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантиришда инновацион ёндашувнинг мавжуд ҳолати, бу борадаги муаммолар, камчиликлар, уларни баратаф этиш йўллари, таҳлил қилинган. Шунингдек, бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий педагогик маданиятида мулоқотнинг шахслароро, гурухлароро ва жамоавий, ижтимоий шакллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган. Калит сўзлар: таълим тизими, таълим мазмуни, педагогика, жисмоний тарбия, жисмоний баркамоллик, жисмоний маданият, талабалар, касбий педагогик маданият, коммуникатив компетенция, нутқ маданияти.

Annotation The article analyzes the current state of development of the communicative competence of future physical culture teachers, problems, shortcomings, and ways to overcome them. Also, the interpersonal, intergroup and collective, social forms of communication and their peculiarities in the professional pedagogical culture of future physical culture teachers. Key words: education system, content of education, pedagogy, physical education, physical development, physical culture, students, professional pedagogical culture, communicative competence, speech culture.

Долзарблиги. Жаҳонда ёшлиарнинг маънавий, шу билан бирга жисмоний комиллигини таъминлаш, уларнинг асрлар давомида синовдан ўтган ижтимоий-педагогик ҳодиса, жисмоний машқлар, яъни спорт воситасида соғлом ҳаётини, жисмоний маданиятини шакллантириш долзарб аҳамиятга эга. Чунки спорт - миллати, ирки, динидан қатъий назар барчага соғлом ҳаёт тарзини шакллантиришга кенг имкониятлар яратиб берадиган омиллардан биридир. Хорижий мамлакатларда ижтимоий, иктисадий соҳаларда интеграллашув, халқаро малака талабларига мос кадрлар тайёрлаш мазмунига таълимда уларнинг жисмоний маданиятини ҳам шакллантириш, муассаса ўқув жараёнини такомиллаштиришда амалиётни шакллантириш ва бу соҳада илмий-методик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Таълимда ўқувчиларнинг жисмоний маданиятини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи механизmlар хусусиятларини кўрсатувчи методлар, кўрсаткичларни мувозанатда саклаш тизими, ялпи сифат менежменти, сифат кафолати, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари, узлуксиз таълим сифати яхшиланиши каби сифатни таъминлашга ва илгор тажрибаларни ўрганишга йўналтирилган методларидан фойдаланиш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган янгиланишлар шароитида асосий вазифалардан бири ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлиги даражаси, жисмоний маданиятини оширишдан иборат. Таълимнинг янги модели ўқувчиларда билим, кўнумка ва малакаларни шакллантириш билан бирга, уларнинг жисмоний маданиятини ҳам шакллантириш, аниқроғи, биринчи навбатда, яхлит жисмонинан соғлом шахсни ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Шу боис Президентимиз Ш. Мирзиёев бу хақда қўйидагиларни таъкидлайди: “Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-куватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз”[1]. Долзарб масала сифатида, бугун жисмоний тарбия таълим тизимини такомиллаштиришнинг йўналишлари аниқ белгилаб олинганига қарамай, кейинги йилларда жисмоний ва руҳий саломатлиги даражаси паст бўлган ўсмиrlар ва ўқувчи ёшлиарнинг сони ошиб

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

бораётганлигини кузатиш мумкин. Шу боис, ўкувчилардаги жисмоний ва рухий камчиликларни бартараф этиш жисмоний маданият ўқитувчиларнинг коммуникатив ривожлантириш долзарб педагогик муаммолардан бири хисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантиришда инновацион ёндашувнинг заруриятини юксалтиришнинг замонавий ижтимоий-педагогик асослари, уни шакллантиришнинг илгор педагогик метод, шакл ва воситалари, диагностик ва коррекцион хусусиятларини таҳлиллашдан иборат.

Муҳокама. Мамлакатимиз педагогика фани ва таълим тизими олдига стратегик жиҳатдан муҳим вазифа қўйилган бўлиб, у таълимнинг мактаб ўкувчилари ва талабалар саломатлигини издан чиқариш эмас, балки сақлаш ҳамда ривожлантиришга ёрдам бериши учун барча шартшароитларни яратишдан иборат. Бундай холатда, ўкувчиларда уларнинг ҳаётдаги орзуистакларини рўёбга чиқара олишлари учун замин ҳозирлайдиган саломатлик маданиятини шакллантиришнинг ижтимоий ҳамда педагогик аҳамияти ниҳоятда ортмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ёшларга доир давлат сиёсатини такомиллаштириш бандида жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ватанга содик, қатъий ҳаётий нұқтаи назарга эга шахсларни тарбиялаш кўзда тутилган. 2018 йил 5 март куни қабул қилинган “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2018 йил 20 сентябрда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишлиган йигилишда белгиланган вазифалар, 2019 йил 13 февралда тасдиқланган “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепцияси”, 2019 йилнинг 19 марта тақлиф этилган ёшларга оид 5 та муҳим ташабbus ва бошқа муаммога доир меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифалар бевосита аҳоли, хусусан ёшларнинг жисмоний баркамоллиги ва маданиятини ривожлантиришни назарда тутади. Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиши, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Талабалар аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳларига нисбатан атроф муҳитнинг салбий омиллари таъсирига кўпроқ бериувчан, турли хил касалликлардан азият чекувчи, алоҳида тавсифга эга гурух хисобланади. Шунингдек, улар турли даражада жисмоний тайёргарликка эгалиги билан тавсифланади. Талабалар миқдорий жиҳатдан турли хил даражада жисмоний тайёргарлик ва жисмоний ривожланишга эга хисобланади. Мавжуд илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижалари гувоҳлик беришича, сўнгги йилларда турли хил даражада жисмоний тайёргар-ликка эга бўлган талабаларнинг сон миқдори ортиши қайд қилинади. Бу кўринишдаги тенденция Ўзбекистоннинг кўплаб Олий таълим муассасалари учун хос хусусиятдир. Кўпгина талабалар стандарт ўқув дастурларида назарда тутилган юкламаларни бажаришга тўлиқ ҳолатда тайёр хисобланмайди. Бу кўринишдаги талабалар томонидан машғулотлар режимлари (берилган ёш гурухлари учун физиологик жиҳатдан асосланган стандартларга мувофиқ) доирасида тузиб чиқилган ўқув машғулотлари дастурларини бажариш қийин амалга оширилади. Бу ҳолат сезиларли сондаги талабаларнинг жисмоний тайёргарлиги ва улар томонидан бажарилувчи норматив тестлар ўртасидаги номувофиқлик билан боғлиқ хисобланади. Кўпгина талабаларда жисмоний тарбия машғулотларига нисбатан зарурий мотивация мавжуд эмаслиги вазиятни янада чуқурлаштиради. Бундай талабаларда кўпгина ҳолатларда амалий машғулотларда нофаол ҳолатда иштирок этиш, элементар

машқларни бажариш ҳолатида бўлмаслик, жисмоний юкламалардан қочиш, шунингдек организмнинг барча тизимларини оптимал даражада функция бажариши учун талаб қилинувчи натижага эришишда қатъийлик намоён бўлмаслиги кузатилади. Бундай талабаларнинг жисмоний фаолиятини фаоллаштириш муҳим масала сифатида қолмоқда. Бу талабаларни ўқитиш жараёни услубияти ва уни ташкил қилиш ўзига хос хусусиятларга эга хисобланади. Бу ҳолат турли хил даражада жисмоний жиҳатдан ривожланиш ва жисмоний тайёргарликка эга бўлган талабаларга ҳаракатларга оид ҳолатларни ўргатишда янги услубиятни ишлаб чиқиш талаб қилинишига олиб келади. Жисмоний маданият таълими соҳасидаги мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда талабаларнинг касбий билим, малака ва қўникмаларни эгаллаш йўлидаги ортиб борувчи фаоллигини тақлиф этадиган ва рағбатлантирадиган ўқув жараёнини ташкил этишда янги усул ва ёндашувлар ишлаб чиқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бугунги кунда олий

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg‘ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини олиб боришда таълим жараёни технологиясини бойитадиган илмий – услугубий ишланмалар етарлича ишлаб чиқилмаган. Ўқитишнинг анъанавий усуллари эндиликда талабаларни замонавий ўқитиш усуллари билан куроллантириш учун талаб қилинаётган билим, малака ва кўникмалар тўплами билан таъминлай олмай қолдилар. Шу муносабат билан, таълимни ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида ўқитишнинг янги усул ва воситаларини ишлаб ҳамда таълим жараёнига кенг кўллаш лозим. Ўқув жараёнига таълимнинг янги фаол шаклларини киритиш, уни такомиллаштиришнинг асосий заминларидан биридир. Замонавий ўқитиш усулларни ишлаб чиқиши ҳозирги пайтда педагог кадрларни тайёрлашнинг, такомиллаштиришнинг ва малакасини оширишнинг энг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларнинг мулоқот маданияти талабларига, ўқувчиларга ахборотларни аниқ ва равон тақдим этиш маҳорати, ҳамкасларига тўғри маслаҳат ва таклиф беришни билиши, баҳонинг шаффоғлигини ифодалай олиши, хоҳиш-истакларини билдириши, мулоқот-нинг нутқий ва нутқсиз воситалари ҳамда нутқ меъёrlаридан тўғри фойдаланиши, мулоқотда-англаш, эстетик, ахлоқий, коммуникатив эҳтиёжларни қаноатлантириши кабиларни киритиш мумкин. Педагогик мулоқотнинг муҳим жиҳати ўқув-тарбия жараёнини ўқувчи шахсига йўналтирилган ҳолда ташкил этиш имкониятини яратишга хизмат қила олишидадир[3]”. Мазкур талаблар, аввало, касбий-педагогик фаолиятда ўта муҳим бўлган маданий-коммуникатив фазилатлар – ҳиссий маданият, таълим оловчиларнинг эътиқоди, уларга таъсир ўтказиш; мотивация; касбий ривожланиш; назарий билим ҳамда мулоқот тузилиши ва технологиясидан хабардорлик (уларга ижодий ёндашув); сұхбатдоши рухиятини билиш; педагогик ҳамкорлик ва шахслараро ўзаро таъсир; педагогик тактни эгаллаш; педагогик мулоқот техникаси; нутқ маданияти ва мулоқотнинг нутқсиз воситаларининг ифодаланишида ўз аксини топади. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчининг педагогик касбий мулоқот маданиятининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагиларда ифодаланади: – ўзининг жисмоний сифатлари ва қобилияtlарини энг мақбул даражасигача ривожлантиришда; – инсон жисмининг гўзаллиги, соглигига эътиборли бўлишида (жисмоний тарбия билан фаол шуғулланиш туфайли); – эстетик ҳодисалар каби жисмоний тарбия ва спортдаги ютуқлари муайян шаклларининг идрок этилишида; спортда эстетика олий гўзаллик қимматига эга бўлиб, унда ушбу спорт ҳодисаси “ўз муайян ҳиссий яхлитлигига шахс қадрияти сифатида намоён бўлади, шахснинг ҳар томонлама ривожланишига, унинг эркинлиги, индивидуаллиги чегараларининг кенгайишига ёрдам беради” ҳамда унинг яширин интеллектуал ва ижодий имкониятларининг очилишига имконият яратади.

Хуносаси. “Педагогик мулоқотнинг коммуникатив компоненти диалог иштироқчиларининг мавқелари ва вазифаларини мувоғиқлаштиришга хизмат қилади. Таълимнинг дастлабки босқичларида ўқувчиларда ўзаро мулоқотга киришиш, ўқитувчилар ва синфдошлар билан муносабат ўрнатишга оид билим ва тажрибалар етарли бўлмайди. Бу жараёнда ўқитувчи тарихий тажрибанинг ташувчиси мавқеига эга бўлади. Бугунги кунда ўқитувчиларнинг ўқувчиларга ахборотларни тақдим этишга оид тажрибасини бойитиш зарурияти мавжуд. Бунинг учун ўқитувчиларнинг ўқувчилар билан педагогик мулоқот ўрнатишга оид билимлари ва тажрибаларини фаоллаштириш талаб қилинмоқда. Педагогик мулоқот турли шаклларга эга. Бу таълим жараёнида педагогнинг тутган мавқеи, унинг шахсий сифатлари, билим дарajasiga бевосита боғлиқ. Педагогика ҳамда психологияга оид манбаларда педагогик мулоқот ўқитувчининг фаолият услуби билан боғлиқ ҳолда таҳдил этилади. Педагогика фанида педагогик услубнинг бир қанча таснифлари мавжуд. Педагогик муносабат аксарият манбаларда педагогик мулоқот тарзида талқин этилади. Бўлажак жисмоний маданият ўқитувчиларининг касбий педагогик маданиятида мулоқотнинг шахслараро, гурухлараро ва жамоавий ижтимоий шаклларига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. 1. Шахслараро – идрок қилиш, билиш, тушуниш, эмпатия асосида сұхбатдошларнинг бир-бирини баҳолаши ва тавсифлаши. 2. Гурухлараро – ижтимоий гурухлар орасидаги мулоқот. Гурухлараро идрок қилишнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда мулоқот субъектлари ва обьектлари, гурухларнинг ўзаро муносабати ҳамда биргаликдаги гурухлараро фаолият тuri ва мазмуни инобатга олинади.

Адабиётлар:

- Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. –Б. 36.
- Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 3 июнданги “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031-сон қарори. «Халқ сўзи» газетасининг 2017 йил 6 июнданги 111 (6805)-сони.

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqiyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

3. Педагогика энциклопедия, III жилд. Масъул мухаррирлар: Р.Сафарова, Р.Жўраев. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, - Тошкент, 2017. Б-91-92.
23. Azimovna F. M. et al. Educational importance of physical education, sports and health measures in higher educational institutions //E-Conference Globe. – 2021. – С. 321-325.
24. Azimovna F. M. Formation of spiritual and moral values of pupils in physical education lessons //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 99-103.
25. Nematovich K. S. Abduyeva Sitorabonu Savriddin kizi, Fatullayeva Muazzam Azimovna, Kurbanov Shukhrat Kuldoshevich. Using of innovation terms in physical education and sport lessons and their social and educational features //Journal of Critical Reviews. doi. – Т. 10. – С. 470-471.
26. Салимов, Г. М., Дустов, Б. А., Фарманов, У. А., & Рахмонов, Р. Р. (2020). Показатели констатирующего этапа экспериментальной работы по физическому развитию учеников 7-10 лет общеобразовательных организаций Узбекистана. *Педагогическое образование и наука*, (1), 91-97.
27. Akmalovich, Dustov Bakhtiyor. "Acmeological peaks of a sports teacher and coach." *Middle European Scientific Bulletin* 11 (2021).
28. Akmalovich, D. B. (2020). Organization of independent work of students in the process of physical education. *Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)*, 9(11), 120-123.
29. Safarova Rokhat G. Ways and factors of optimization of the content of general secondary education in today's world // Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. 2012. №2 (eng). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/ways-and-factors-of-optimization-of-the-content-of-general-secondary-education-in-today-s-world> (дата обращения: 09.05.2022).
30. Мухитдинова Н.М. Абитова Ж.Р. Механизмы интеллектуального развития дошкольников с помощью физических занятий // Проблемы педагогики.- 2020- № 3 (48) с 79-81
31. Мухитдинова Н.М. Методология физических упражнений и игр в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки-2020-№9 (57) с 81-83
32. Мухитдинова Н.М. Эшов Э. Improvement of psychology and pedagogical process on physical training // Intellectual Archive 2018 с 93-96
33. Djurayeva Maxasti Zokirqizi “The emotion training system for atudents of preschool education for sports gymnastics sports competitions” 88-101 betlar. International Journal of Advanced Research in Monagement and Social Sciences. Vol.1 №2 February 2022
34. Джураева Махаси Зокировна “Характеристика эмоционально –волевой готовности личности к спортивной деятельности” 169-171 betlar. Россия-Таджикистан –Узбекистан. молодежь и развитие духовной культуры общества: актуальные проблемы и перспективы их решения. 22апреля 2022г.
35. Мамуров Б. Б. Бўлажак ўқитувчиларни шахсга йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини лойихалашга тайёрлашда қўлланиладиган тамоиллар. Современное образование (Узбекистан), 2017. <https://cyberleninka.ru/article/n/b-lazhak-ituvchilarni-shahsga-y-naltirilgan-talim-tarbiya-zharayonini-loyi-alashga-tayyorlashda-llaniladigan-tamoyillar>
36. Mamurov B. B. The Need to Prepare Future Teachers to Design a Student-Centered Educational Process. Eastern European Scientific Journal, 2017. <http://journale.auris-verlag.de/index.php/EESJ/article/viewFile/600/596>
37. Мамуров Б.Б., Махмудов М.Х. Акмеологическая составляющая образовательной культуры учителя. философские и методологические. <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=36679921>
38. Файзиев Я. З., Кузиева Ф. Эффективности использования национальных средств физического воспитания в учебном процессе //Вестник магистратуры. – 2020. – №. 3-1. – С. 95.
39. Bozorova S., Fayziev Y. The development of motor memory of students in physical education classes //Student science: research works. – 2019. – С. 47-48.
40. Юсупова Зулфизар Шариповна Методы организации физической подготовки в дошкольных образовательных организациях // Проблемы науки.ISSN 2542-0801(online) ISSN 2413-7081-(print)ГОСТ 7.56-2002. – 2020. – №. 09 (54) ст.46-48 https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=DNSe5CIAAAJ&citation_for_view=DNSe5CIAAAJ:2osOgNQ5qMEC
- Fayzieva, U. A., & Zhalilov, Z. B. (2020). Methodological support for extra-class activities of a student. *Scientific Reports of Bukhara State University*, 4(1), 318-322.

Hozirgi taraqqiyot bosqichida jismoniy tarbiya va sport mashg'ulotlarini tashkil qilishning istiqbollari: muammo va yechimlar. Xalqaro miqyosidagi ilmiy amaliy-anjuman. 2022 yil 28-29 aprel

doi:10.52297/2181-1466/2020/4/1/13.

<https://www.sciencegate.app/document/10.52297/2181-1466/2020/4/1/13>